

ХФР

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshlagan

№50, 2023-йил
20-декабр,
chorshanba (32.796)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ҚАТОР МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний 19 декабрь кuni Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мукофотни тантанали топшириш маросимида иштирок этиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз кутиб олди.

Дастлаб "Tashkent city" халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ифодаловчи монументнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний иштирок этди.

Тадбирда БМТ Бош котибининг ёрдамчиси Александр Зуев ва хорижий мамлакатларнинг расмий шахслари ҳам қатнашди.

Кафти очик қўл кўринишида металлдан ишланган ушбу ўн икки метрлик композиция ҳалоллик, пок амал ва ниятларни, коррупцияга нисбатан мутлақ тоқатсизликни, дунёнинг барча мамлакатларини унга қарши курашишда бirlaшишга чақирикни англатади.

Шундан сўн Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Тошкент шаҳридаги Конгресс марказида Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида иштирок этди.

Тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари, 40 дан зиёд мамлакат делегациялари, шу жумладан, ушбу халқаро мукофот совриндорлари қатнашди.

Қайд этиш лозим, Қатар Амири ташаббуси билан таъсис этилган мукофот билан 2016 йилдан буён ҳар йили глобал миқёсда коррупцияга қарши курашга қўшган хиссасининг эътирофи сифатида таниқли жамоат арбоблари, экспертлар ва журналистлар тақдирлаб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари форум иштирокчиларини қутлар экан, Қатар Амири ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёхванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасига тадбирни Ўзбекистонда ўтказиш таклифи учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон етакчиси бугунги кунда Қатар глобал ҳамкорлик ва дипломатия марказига айланиб бораётганини, юксак савияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати, Кам ривожланган давлатлар бўйича халқаро конференция ва "Экспо Доҳа - 2023" бутунжаҳон кўргазмаси, кўплаб халқаро ташаббуслар бунинг тасдиғи эканини таъкидлади.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичга кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Бугунги тадбир ҳам мақсад-

ларимиз уйғун ва ҳамоҳанг эканининг ёрқин рамзий ифодасидир.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, шиддат билан ўзгараётган дунёдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлган коррупцияга қарши курашиш соҳасида глобал мукофотнинг таъсис этилгани ва уни топширишга бағишланган маросимлар барча қитъаларда ўтказиб келинаётгани юксак эътирофга сазовордир.

– Зеро, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу нуфузли мукофот орқали коррупцияга қарши курашишга ўзининг муносиб хиссасини қўшаётган жаҳондаги энг фаол шахсларнинг эътироф этилиши 2003 йилда қабул қилинган БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси талабларини ҳаётга изчил ва тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатида ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдид эканини қайд этди.

Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион АҚШ долларига яқин миқдорни ташкил қилмоқда. "Аммо мен бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайдим, деб ҳисоблайман", деди Ўзбекистон етакчиси.

Бугун Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш жараёнида ҳуқуқий ва институционал ислохотларни тизимли амалга ошираётгани, БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётгани таъкидланди. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, махсус ваколатли Агентлик ташкил этилган.

Ҳукумат фаолиятининг очик ва ошкоралигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмлар амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Хусусан, барча давлат идораларида комплаенс ва самарадорликни баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди. Давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Давоми 2-бетда. ▶



"Tashkent city" халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ифодаловчи монумент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Амир Аъло Ҳазратлари!

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун азим Тошкент шаҳрида Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида сизларни кўриб турганимдан беҳад хурсандман.

Янги Ўзбекистон заминига хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Авваламбор, ушбу тантанали тадбирни юртимизда ўтказиш бўйича таклифлари ва яқиндан кўрсатган кўмаклари учун мазкур нуфузли мукофот асосчиси, қадрли биродарим Қатар Амири шайх

Тамим бин Ҳамад Ол Соний Аъло Ҳазратларига ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёхванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасига чукүр миннатдорчилик изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуманда иштирок этаётган қатарлик дўстларимизни ва улар сиймосида ушбу мамлакат халқини кеча кенг нишонланган Мустақиллик байрами билан самимий муборакбод этаман.

Таъкидлаш ўринлики, Амир Аъло Ҳазратларининг оқилона раҳбарлиги остида сўнгги йилларда Қатар Давлати янгиланиш руҳи билан яшамоқда, мамлакат-

да катта ўзгаришлар амалга оширилаёпти, оламшумул ва буюк ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бунга бетакрор Доҳага ташрифим чоғида ўзим шахсан амин бўлдим.

Юксак савияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати, Кам ривожланган давлатлар бўйича халқаро конференция ва "Экспо Доҳа - 2023" бутунжаҳон кўргазмаси, кўплаб халқаро ташаббуслар Қатарнинг глобал ҳамкорлик ва дипломатия марказига айланиб бораётганини яна бир бор таъкидлайди.

Давоми 2-бетда. ▶



ДОРИ ХАВҒГА АЙЛАНИШИ
КЕРАК ЭМАС

3САҲИФА

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Қонун билан бир қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди

Жумладан, Сайлов кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра:

- ✓ Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 75 та ҳудудий бир мандатли сайлов округи тузилади;
- ✓ Партия рўйхатида киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партиясиз бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилиши мумкин эмас;
- ✓ Депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан белгиланади;

Шунингдек, ягона сайлов округи бўйича сайланадиган Қонунчилик палатасининг депутатлик ўринлари ушбу сайловда иштирок этган сайловчилар овозларининг 7 ва ундан кўпроқ фоизини тўплаган сиёсий партиялар ўртасида тақсимланади.

6



УЛАР 9,5 МИЛЛИОНДАН
КЎП

5САҲИФА

SIYOSAT

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Шу ўринда, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар бизнинг фаол мулоқотларимиз натижасида мутлақо янги босқичга кўтарилганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман. Биз биргаликда катта лойиҳаларни бошладик. Бугунги тадбир айнан юртимизда ўтказилаётгани эса мақсадларимиз уйғун ва ҳамоҳанг эканининг ёрқин рамзий ифодасидир.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Албатта, шиддат билан ўзгараётган дунёдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлган коррупцияга қарши курашиш соҳасида глобал мукофотнинг таъси этилгани ва уни топширишга бағишланган маросимлар барча қитъаларда ўтказиб келинаётгани юксак эътирофга сазовордир.

Зеро, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир.

Ушбу нуфузли мукофот орқали коррупцияга қарши курашишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган жаҳондаги энг фаол шахсларнинг эътироф этилиши бундан роппа-роса 20 йил аввал қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси талабларини ҳаётга изчил ва тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Башарият тарихига назар солсак, коррупция иллати ҳатто энг қудратли ва энг кучли давлатларни ҳам жар ёқасига олиб келганига ва тўлиқ пароканда қилганига гувоҳ бўламиз. Коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатида ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдиддир ва у барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги режаларимизга ҳам жиддий путур етказиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион

«Давоми, бошланғичи 1-бетда».

АҚШ долларига яқин миқдорни ташкил қилмоқда. Аммо, мен бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилатган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайди, деб ҳисоблайман. Энг ёмони – жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Мазкур ўткир муаммонинг оқибатларини чуқур англаган ҳолда, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ислохотларни тизимли амалга ошириш зарур. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунни қабул қилиб, махсус ваколатли Агентликини ташкил этдик. Ҳуқумат фаолиятининг очиқ ва ошкорулигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни амалиётга кенг жорий этаёلمиз. Хусусан, барча давлат идораларида комплаенс ва самарадорликни баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди. Давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Ўзбекистон 2021 йилда Халқаро Очқ маълумотлар хартиясига аъзо бўлди. Мамлакатимиз Истанбул ҳаракатлар дастури, Глобал оператив тармоқ, Евроосиё ва Эгмонт гуруҳлари, бошқа кўплаб платформаларда самарали иштирок этиб келмоқда. Ҳарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларини қайтариш тармоғининг Котибияти вази фасини бажармоқда.

Ҳар йили Тошкентда аънавий Халқаро аксилкоррупция форуми ўтказиб келинмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимиз "Transparency International" индексиде 42 поғонага кўтарилди ва бу борада минтақамизда энг юқори ўринни эгалламоқда. 2030 йилга қадар мазкур рейтингдаги ўрнимизни яна 50 поғонага яхшилаш мақсадини кўзлаганмиз. "Open Data Inventory" рейтингиде эса жорий йилда 30-ўринга кўтарилдик. Очқ

маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўриндан жой олган.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Демократик ислохотлар ортга қайтмас тус олган Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам катта режа ва вазифаларни ўз олдимизга қўйганмиз.

Бу масъулиятли ва мурасасиз кураш йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ва барча халқаро ҳамкорларимиз билан биргаликда бор кучимизни сафарбар этишга тайёрмиз.

Биринчидан, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очиқ маълумотлар тизимини такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида ургу беримиз.

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашдаги минтақавий ва глобал ташаббус ва янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаймиз ва уларда фаол қатнашимиз. Бу борада ўтган ойда Тошкентда ишга тушган Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг Минтақавий платформасидан кенг фойдаланмоқчимиз.

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларини фаол жалб этган ҳолда, ўзаро тажриба алмашиш ва мулоқотларни кучайтириш, илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини ташкил этишни тақлиф этаман.

Учинчидан, биз Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хорижий турдош муассасалар билан яқин ҳамкорлигини кучайтириш орқали унинг салоҳияти ва имкониятларини янада оширамиз. Энг илғор халқаро тажрибага асосланган янги механизмлар татбиқ қилинади, жумладан, коррупция ҳолатлари бўйича "дастлабки ўрганиш" – коррупцион суриштирув институти жорий этилади.

Тўртинчидан, онги ва қалби болалиқдан "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланган янги

авлодни камолга етказиш устувор вазифамиздир. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этишдан манфаатдормиз.

Бешинчидан, коррупцияга қарши курашишдек мураккаб жараёнларда энг олдинги сафларда бораётган оммавий ахборот воситаларининг ўрнини алоҳида қадраймиз.

Шу маънода, бизнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсири янада ошириш учун Глобал медиа форумини ўтказиш тақдиримизни сизлар қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонамиз.

Хурматли дўстлар!

Мазкур халқаро мукофот билан тақдирланган барча шахслар илк бор бир жойга жамлангани ва улар иштирокчилик ташкил этилаётган Ғолиблар учрашуви ҳам катта аҳамиятга молик воқеалиқдир.

Ўз тараққиёт ютуқларини ва фойдали сармояларини дунё халқлари билан баҳам кўраётган, коррупцияга қарши курашда ғайрат ва шижоат кўрсатаётган Қатар Амрининг глобал даражадаги сазой-харакатлари барчамизнинг эзгу интилишларимиз билан бирлашиб, албатта ўзининг улкан ижобий натижаларини беради.

Ушбу мавзуга бағишлаб ўрнатилган монуменддаги коррупцияни тўхтатиш учун кўтарилган очиқ қўллар каби бугунги анжуманда иштирок этаётган, адолат йўлидаги қатъият ва толмас қаҳрамонларимиз қўлларини пок қалб ва виждон амримиз билан маҳкам тутамиз. Олиб бораётган шарафли ишларингизда сизлар билан доимо биргамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, нуфузли мукофотнинг барча совриндорларини чин қалбимдан қизгин табриқлайман.

Анжуманимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизга яна бир бор чуқур ташаккур изҳор этаман.

Барчангизга масъулиятли фаолиятингизда куч-ғайрат, янги муваффақиятлар, бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ҚАТОР МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон 2021 йилда Халқаро Очқ маълумотлар хартиясига аъзо бўлди. Мамлакатимиз Истанбул ҳаракатлар дастури, Глобал оператив тармоқ, Евроосиё ва Эгмонт гуруҳлари, бошқа кўплаб платформаларда самарали иштирок этиб келмоқда. Ҳарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларини қайтариш тармоғининг Котибияти вази фасини бажармоқда.

Ҳар йили Тошкентда аънавий Халқаро аксилкоррупция форуми ўтказиб келинмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз "Transparency International" индексиде 42 поғонага кўтарилди ва бу борада минтақамизда энг юқори ўринни эгалламоқда. 2030 йилга қадар мазкур рейтингдаги ўрнимизни яна 50 поғонага яхшилаш мақсадини кўзлаганмиз.

"Open Data Inventory" рейтингиде эса жорий йилда 30-ўринга кўтарилдик. Очқ маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўриндан жой олган.

– Демократик ислохотлар ортга қайтмас тус олган Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам катта режа ва вазифаларни ўз олдимизга қўйганмиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Уларга эришиш мақсадида Президентимиз қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Энг аввало, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия ишлаб чиқирилиб, ҳаётга татбиқ этилади.

Унда давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очиқ маълумотлар тизимини такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида ургу берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон коррупцияга қарши курашдаги минтақавий ва глобал ташаббус ва янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди ва уларда фаол қатнашади. Бу борада ўтган ойда Тошкентда ишга тушган Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг Минтақавий платформасидан кенг фойдаланилади.

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларини фаол жалб этган ҳолда, ўзаро тажриба алмашиш ва мулоқотларни кучайтириш, илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хорижий турдош муассасалар билан

«Давоми, бошланғичи 1-бетда».



яқин ҳамкорлиги кучайтирилади, бу унинг салоҳиятини янада оширади. Энг илғор халқаро тажрибага асосланган янги механизмлар татбиқ қилинади, жумладан, коррупция ҳолатлари бўйича "дастлабки ўрганиш" – коррупцион суриштирув институти жорий этилади.

Болалиқдан "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланган янги авлодни камолга етказиш устувор вазифа сифатида қайд этилди. БМТнинг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсири янада ошириш учун Глобал медиа форумини ўтказиш тақлифини билдирди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари нуфузли мукофот билан тақдирланганларни дилдан қутлаб, уларга адолатни таъминлаш йўлидаги сазой-харакатларига катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Президенти Қатар Амири билан биргаликда Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мукофотни унинг эгаларига тантанали топширди.

"Коррупцияга қарши курашдаги ютуқлар" номинациясида "Transparency International" халқаро ташкилотининг собиқ раиси Хосе

Амир ҳамда дўст Қатар халқини миллий байрами – Мустақиллик куни билан самимий қутлади.

Қатар Амири, ўз навбатида, Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мукофотни топшириш маросими юксак савияда ташкил этилгани ҳамда кўрсатилаётган илиқ меҳмондўстлик учун мамлакатимиз етакчисига миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Барча даражаларда фаол мулоқот ва алмашувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йилда Тошкент ва Доха шаҳарларида икки мамлакат дипломатик ваколатхоналари очилди. Ўзаро савдо ҳажми ошмоқда, Қатарнинг етакчи компаниялари иштирокида йирик лойиҳалар бошланди.

Учрашувда янги қўшма инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, "яшил" энергетика, sanoat, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани ривожлантириш, банк-молия, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм соҳаларида илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт ва логистика борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш йўллари кўриб чиқилди. Хусусан, Қатар томони Трансафғон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

2024 йилда Доха шаҳрида қўшма Ҳукуматларо комиссия ва Ишбилармонлик кенгашининг биринчи йиғилишларини, икки мамлакат бизнес форумини ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар келгуси йилда маданий-гуманитар тадбирларни ўтказиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Эришилган келишувлар ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ва Қатар етакчилари икки мамлакат ташкилотида идоралари раҳбарлари даражасида Мувофиқлаштириш кенгаши тузиш лозимлигини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда БМТ шафелигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА.

ДОРИ ЖАВФГА АЙЛАНИШИ КЕРАК ЭМАС

Парламент қўйи палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари янги ташаббусга тайёргарлик кўрмоқда

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИ ХУЖЖАТЛАРИДА
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БИРЛАМЧИ ЭНГ
АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАРДАН
БИРИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН.
АҲОЛИНИ СИФАТЛИ, САМАРАЛИ
ВА ХАВФСИЗ ДОРИ-ДАРМОН
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ ЭНГ МУҲИМ
ВАЗИФАЛАРИДАН САНАЛАДИ. БУ
БОРАДА ЮРТИМИЗДА ХАМ 50 ГА ЯҚИН
МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.
ЛЕКИН, АФСУСКИ, ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ РЕКЛАМАСИ,
УЛАРИНИНГ САВДОСИ ВА
ҚўЛЛАНИЛИШИ БОРАСИДА
ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА АЙРИМ
Бўшлиқлар кўзга ташланмоқда,
ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР
ХАМ Йўқ ЭМАС. ХУСУСАН, ДОРИ
ВОСИТАЛАРИ РЕКЛАМАСИ
ТУРЛИ КўРИНИШЛАРДА АВЖ
ОЛАЁТГАНИ, БАЪЗИ ШИФОКОРЛАР
ТОМОНИДАН БЕМОРЛАРГА АСОСАН
ҚИММАТ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ
ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАНИ,
ДОРИ ВОСИТАЛАРИ НАРХЛАРИ
СУНЪИЙ ОШИБ КЕТАЁТГАНИ,
БУНДАЙ САЛБИЙ ҲОЛАТЛАР
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА
ЗИЁН ЕТКАЗАЁТГАНИ, АЙНИҚСА,
КАМ ДАРОМАДЛИ ОИЛАЛАР
ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ДУЧОР
БўЛАЁТГАНИ БОР ГАП.



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қўйи палатасидаги фракцияси янги қонун ташаббусини илгари суришга тайёргарлик кўрмоқда. Ишчи гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, партия фаоллари ва соҳа мутахассислари дори воситалари рекламаси, шифокорларнинг касбий масъулияти, дорихоналар фаолияти билан боғлиқ муҳим йўналишларда янги қонун ташаббусини илгари суриш масаласини атрофлича муҳокама қилди.

Авалло, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, тиббий хизматларни халқимизга яқинлаштириш бўйича изчил ислохотлар амалга ошириб келинаётганини қайд этишди. Хусусан, кейинги йилларда эҳтиёжманд аҳолини зарур дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминлаш, электрон рецепт тизимини жорий этиш, дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, дори воситаларининг ноқонуний айланиши ва суиистеъмол қилинишининг олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётганига эътибор қаратилди.

Таъкидландики, Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масаласига алоҳида ўрин берилган. Партия фракцияси соҳага доир қонунлар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил ўрганиб бормоқда, сайловчилар билан учрашувларда ҳам қатор муносабатлар тушмоқда.

Мисол учун, оддийгина шамоллаш ёки гриппга 10 га яқин дори ёзиб берилади. Бу тиббий жиҳатдан қанчалар тўғри? Биламизки, бир инсоннинг организми бир вақтнинг ўзига шунча препаратни қабул қила олмайди. Уларнинг қайсидир бири акс таъсир қилиши, бошқа бирор органни зарарлаши ҳам мумкин.

Яна бир томони, ёзиб берилаётган айрим дориларнинг нархи жуда қimmat. Айтайлик, шифокор сизга 10 тадан кам бўлмаган миқдорда дори рўйхатини беради. Табиийки, шифохона атрофидаги дорихоналарга кирасиз ва қimmat нархдаги маҳсулотларни сотиб олишга мажбур бўласиз. Аفسуски, ҳар доим ҳам уларнинг самараси кутилгандек бўлмайди. Депутатлар бундай ҳолатларни касбга хиёнат ва аҳолининг чўнтагига каттагина иқтисодий зарар, деб баҳолади.

Иккинчи томони, шифокорларнинг қimmat дорилар ёзишидан қочган бемор келаси сафар ўз билганича даволанишга уринади. Табиийки, бунда ОАВда реклама қилинаётган дорилардан нажот кутади. Уларнинг тезда таъсир қилувчи восита эканига ишониб, маҳсулотни сотиб олади. Ваҳоланки, ҳар бир инсон ўзига хос бўлиб, бир организм қабул қилган дорини бошқа организм рад этиши мумкин. Қарабсизки, рекламада кўрсатилган

“сеҳр”га ишонган одамнинг соғлиғи ёмонлашади. Айрим пайтларда билиб-билмай, нотўғри қўлланилган дорилар инсон ўлимига ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги ҳаётда кузатилган.

Фракция аъзолари айнан шунинг учун ҳам халқаро талабларга мос равишда дорилар савдоси ва рекламаси билан боғлиқ меъёрларни ўзгартириш зарурлигини таъкидлади.

Аянчли жиҳати шундаки, айрим тиббиёт ходимлари томонидан муайян дори воситаларини тайинлаш ва бериш учун фармацевтика ташкилотлари, дорихоналардан молиявий мукофотлар, моддий ёхуд номоддий кўринишдаги ҳар қандай рағбатлар олиш қонунчилигимизда тақиқланмаган. Лекин ҳаётда бундай кўнгилсиз ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Бу эса аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишидаги ижобий ишлар кўламига салбий таъсир ўтказибгина қолмай, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, парламент қўйи палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига дори воситаларининг муомаласини тартибга солишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон ХДП фракцияси ишчи гуруҳининг йиғилишида депутатлар ва бир гуруҳ мутахассислар қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган қатор масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:**

— Амалдаги қонунчилигимизда таркибидан кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини реализация қилиш тартибини бузганлик, дори воситаларини шифокор рецепти бўлмаган ҳолларда чакана реализация қилиш, тиббиёт амалиётида фойдаланишни тақиқлаш ҳамда дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузганлик учун етарли даражада жавобгарлик белгиланмаган. Дори воситаларининг рекламасини тартибга солиш бўйича таъсирли чоралар ҳам мавжуд эмас.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига таркибидан кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ноҳўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш тартибини бузганлик ва дори воситаларини рецепт бўйича чакана

» **Ёзиб берилаётган айрим дориларнинг нархи жуда қimmat. Айтайлик, шифокор сизга 10 тадан кам бўлмаган миқдорда дори рўйхатини беради. Табиийки, шифохона атрофидаги дорихоналарга кирасиз ва қimmat нархдаги маҳсулотларни сотиб олишга мажбур бўласиз. Аفسуски, ҳар доим ҳам уларнинг самараси кутилгандек бўлмайди. Депутатлар бундай ҳолатларни касбга хиёнат ва аҳолининг чўнтагига каттагина иқтисодий зарар, деб баҳолади.**

реализация қилиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёр билан тўлдириш таклифи илгари суриляпти.

“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонун тиббиёт ходимлари томонидан муайян дори воситаларини тайинлаш ва бериш учун фармацевтика ташкилотлари ва дорихоналардан молиявий мукофотлар, моддий ёки номоддий кўринишдаги ҳар қандай бошқа рағбатларни олишга чек қўйиш билан боғлиқ ўзгартириш киритиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, дори воситаларининг рекламасини “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги ҳамда “Реклама тўғрисида”ги қонунларнинг тегишли моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш орқали чеклашни таклиф қилмоқчимиз.

Чунки, ОАВ орқали тарқатилаётган маълумотни 100 фоиз ҳақиқат деб қабул қиладиган юртдошларимизнинг катта қисми тинимсиз реклама қилинаётган дори-дармонлар ўз касалликларидан фориғ бўлиш учун энг яхши восита, деб қабул қилмоқда. Бу ўринда хасталикнинг аниқ диагнози, айнан ўша препаратнинг инсон саломатлигига ноҳўя таъсири ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмайдди. Дори-дармонлар савдоси билан шуғулланувчи

ташкilotлар ва реклама орқали келадиган катта даромадга қизиққан ОАВ аҳолининг тиббий савияси ушбу масалалар ҳақида бош қотириш учун у даражада етарли эмаслигидан фойдаланиб, айтиш ўринли бўлса, соядаги ёки яширин тиббий ёрдам тизимини яратмоқда. Бу билан эса тиббиётнинг энг муҳим шарти бўлган “зарар етказма” тамойили қўпол равишда бузилмоқда.

Кўпчиликни реклама қилинаётган препаратларнинг мўъжизакор, яъни бир зумда иситмани тушириш, бош оғриғи, тумовни кетказиш, йўталга барҳам бериш каби таъсири кизиқтиради. Аفسуски, бундай даволаниш касалнинг сурункали кўринишига ўтиши, оғирлашиши ва асоратланишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Европа Иттифоқининг барча давлатларида рецепт билан сотилувчи дори воситаларининг рекламаси тақиқланган. Канадада ҳам теле ва радио орқали дори-дармонлар рекламасини тақиқлаш амалиёти жорий этилди. Ривожланган давлатларда янги дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш талаби кучайтирилмоқда. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам қатор меъёрларни таклиф этиш устида иш олиб бораёмиз.

**Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:**

— Турли соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам “мавсумий” деган тушунча мавжуд. Яъни, касалликлар мавсумга қараб авж олиши ёки пассивлашиши мумкин. Айни пайтда грипп ёки шамоллаш бошқа пайтларга қараганда анча кучайган. Дорихоналарда эса ушбу хасталикларга қарши препаратларнинг бозори анча чаққон.

Ҳатто, ОАВда рекламалар мавсумий касалликларга мослашиб қолган. Бу эса одамларнинг шифокорга эмас, реклама қилинаётган дориларга кўпроқ ишониб қолишига сабаб бўлмоқда. Нотўғри даволаниш натижасида эса жиддий салбий асоратлар юзага келаётгани ҳам бор гап. Шунинг учун фракциямиз аъзолари томонидан янги қонун ташаббуси илгари суриляпти. Европа Иттифоқи қонунчилигида дори воситаларининг рекламасини тартибга солиш бўйича қатъий талаблар белгиланган бўлиб, реклама чиқарилишидан олдин махсус орган текширувидан ўтиши ва тегишли ружбатнома олиниши лозим, дори рекламаси устидан қатъий назорат ўрнатилган. Шунингдек, таркибидан кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини реализация қилиш тартибини бузганлик учун ҳамда дори воситаларини шифокор рецепти бўлмаган ҳолда реализация қилганлик учун қатъий жазо чоралари белгиланган.

Шунингдек, қонунчилиги бизга ўхшаш бўлган яқин давлатларда, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси ва Қозғистон Республикасида дори воситаларининг рекламасини тартибга солиш бўйича етарли даражада таъсирли бўлган чоралар мавжуд. **Тиббиёт ходимлари томонидан фармацевтика ташкилотлари ва дорихоналардан молиявий мукофотлар ва рағбатлар олиш тақиқланган. Дори воситаларини шифокор рецепти бўлмаган ҳолда реализация қилиш учун қатъий жазо чоралари белгиланган.**

Яна бир масала. Бизнинг қонунчиликда фақат дорихона мудир маълумотига нисбатан талаб ўрнатилган. Аммо дорихонанинг сотувчи ходимлари маълумотига нисбатан талаблар йўқ. Бу ҳам қонун талабларига амал қилмаслик билан боғлиқ табиий камчилик бўлиб қолмоқда. Демак, мазкур бўшлиқни ҳам тўлдириш ҳақида ўйлаб кўришимиз керак.

Тўғри, шу кунгача ҳам қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, камчиликлар бартарф этиб келинаётган эди. Маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарлик ҳам кучайтирилди. Бироқ бунда асосий эътибор кучли таъсир қилувчи препаратларга қаратилган. Рецептсиз сотилиши тақиқланган дори воситаларининг савдосига чек қўйилмади. Фармацевтик маҳсулотларнинг рекламаси эса кундан-кун авж оляпти. Буларнинг барчаси аҳоли саломатлигига у ёки бу даражада зарар етказаяётгани, болаларимиз саломатлигига хавф туғдираётгани, афсуски, ҳақиқат.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари илгари суришга тайёргарлик кўраётган мазкур қонунчилик ташаббуси аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, дори воситалари инсоннинг дардига шифо бўлиши керак. Уларнинг соғлиғига хавф, фирром даромад манбаига айланиб қолишига зинҳор йўл қўйиб бўлмайди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ДЕПУТАТЛАРИМИЗ НАЗОРАТИДА

Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш бевосита инсон саломатлигини асраш, ҳатто, ҳаётини сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан бири сифатида баҳоланади. Айниқса, дунёда эпидемиологик хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётгани касалликларга қарши курашишнинг янги тизимини жорий қилишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш мақсадида чора-тадбирлар йўлга қўйилган.

Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони ҳамда 2022 йил 25 апрелда бирламчи тиббий-санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши масъуллари ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманларидаги бир қатор оилавий поликлиникаларда мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан манзилли ўрганиш олиб борилди.

Айтиш керакки, бугун оилавий поликлиникаларда аҳвол анча яхшиланган. Айримлари капитал таъмирдан чиқарилган бўлса, яна бошқалари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Умуман, вазият ижобий томонга ўзгарган. Аммо ечимини кутаётган масалалар ҳам оз эмас.

Ўрганишлар давомида айрим поликлиникалар замонавий санитария талабларига жавоб бермаслиги, баъзиларининг моддий-техник базаси етарлича таъминланмаганлиги ва малакали кадрларга эҳтиёж катталиги маълум бўлди. Шу билан бирга, дори-дармон воситалари белгиланган тартиб асосида сақланмаётгани ҳам аниқланди.

Мирзо Улуғбек туманидаги 5-сонли оилавий поликлиника 7 та маҳаллага, жами 22273 нафар фуқарога хизмат кўрсатади. Биринчи навбатда, поликлиникада малакали кадрлар етишмайди. Шифокор ва олий маълумотли фармацевтлар учун жами 32,5 та штат бирлиги ажратилган бўлиб, шундан 26,25 таси банд, холос. 23 мингга яқин фуқарога 22 нафар шифокор хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ўзидан кўрсатиладиган тиббий хизматнинг сифати ва даврийлигига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Ўрта тиббий ва фармацевт ходимлар учун жами 72,5 та штат бирлигида иш ўринлари ажратилган. Аммо шулардан 49,5 таси банд, холос. Шулардан аҳолига хизмат кўрсатаётган ҳамширалар сони 41 нафарни ташкил қилади.

Бу масала атрофлича ўрганилганда кадрлар кўнимсизлигининг асосий сабаби ойлик маошларнинг камлиги, иш ша-



роитининг қониқарли эмаслиги, моддий-техник таъминотнинг етарли эмаслиги экани маълум бўлди. Шунинг учун кўплаб малакали тиббиёт ходимлари хусусий муассасаларда ишлашга мажбур бўлаётгани аниқланди.

Шунингдек, мазкур поликлиника кўп йиллардан буён УТТ (УЗИ) аппаратига муҳтож ва рақамлаштириш тизими жорий этилганига қарамай, муассасада компьютерлар етишмайди. Мавжудлари ҳам маънан эскирган. Аниқланишича, аксар ҳолларда ходимлар ўзлари билан компьютер олиб келиб ишлашига тўғри келяпти.

22 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келаётган поликлиника биноси таъмирталаб аҳволда. Бино охириги марта 2020 йил маҳаллий бюджет ҳисобидан жорий таъмирланган. Хоналар етишмаслиги сабабли поликлиника

ҳисобидаги дори-дармон воситалари бош ҳамшира хонасида сақланиши маълум бўлди.

Юнусобод туманидаги 53-сонли оилавий поликлиника фаолияти ўрганилганда бош шифокор ташаббуси ва маҳалла масъуллари кўмаги билан "Очиқ бюджет" лойиҳасида поликлиника биносини таъмирлаш учун маблағ ютиб олишганини айтишди. Аммо поликлиника таъмирланиши учун лойиҳа бўйича маблағ ажратилган бўлса-да, тегишли ташкилотлар томонидан иш ҳанузгача орта сурилаётган экан. Мазкур масала партия депутатлари томонидан назоратга олинди. Шунингдек, поликлиника бош шифокори депутатлардан яна бир масала юзасидан амалий ёрдам сўради.

Гап шундаки, 53-сонли оилавий поликлиника жами 23455 нафар фуқарога малакали тиббий хизмат кўрсатиб келади. Эътиборлиси, мазкур аҳолининг деярли 78 фоизга

яқини кекса ёшдаги фуқароларни ташкил қилади. Шуни инобатга олган ҳолда, сурункали касалликлар билан назоратда турадиган кекса ёшдаги фуқаролар саломатлигини сақлаш мақсадида давлат бюджетидан кўпроқ маблағ ажратилиши бўйича ёрдам сўралди. Депутатлар бу масалани атрофлича ўрганиб, асосли таклифлар тайёрлашни ўзлари учун вазифа қилиб олишди.

Таъкидлаш лозимки, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг ҳамма учун мақбуллиги доимо партия-миз диққат марказида бўлиб келган. Шу боисдан Халқ демократик партияси масъуллари республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бундай ўрганишларни давом эттирмоқда.

Сирожиiddин ШОНАЗАРОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари.

БАХМАЛДА ИШЛАР «БЕШ»МИ?



БУГУН ЗАМОНАВИЙ ҲАЁТНИ ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА ТАЪЛИМНИНГ ТАРАҚИЁТИСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН. ҲОЗИР ҚАЙ БИР СОҲАНИ ОЛМАНГ, УНИНГ РИВОЖИ УЧУН ЭНГ АВВАЛО, ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНГАН БЎЛИШИ КЕРАК. ЗЕРО, ИНСОН КАПИТАЛИГА, УНИНГ ИҚТИДОРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТМАЙ ТУРИБ, НАТИЖАГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛИБ, ЁШЛАРИНИНГ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС ШАРОИТЛАРДА ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА КАСБ-ҲУНАРЛАРНИ ЭГАЛЛАШИ УЧУН БАРЧА КУЧ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР САФАРБАР ЭТИЛМОҚДА. ХУСУСАН, "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДА БОШЛАНАДИ", ДЕГАН ШИОР АСОСИДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНДИ.

Маърифатпарвар олим Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир", деган ибораси ҳозир ҳам ўз

қимматини йўқотмаган. Бугун дунё билан бўйлашимиз учун ёшларнинг билим ва тафаккури муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, кейинги йилларда юртимизнинг

барча ҳудудларида кўплаб замонавий янги мактаблар қурилди. Узлуксиз таълим тизимида, хусусан, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунари таълими, олий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим йўналишларида катта ўзгаришлар юз берди.

Ана шундай ислохотларнинг натижасини Жиззах вилояти Бахмал туманида ҳам кўрдик. Хусусан, тумандаги 19 та ДМТТ, 7 та ДХШ асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ва 131 та оилавий мактабгача таълим ташкилотларида 11308 нафар 3-6 ёшли болалар тарбияланмоқдалар. Ушбу мақсадли ислохотлар натижасида мактабгача таълимга қамров даражасини 72,2 фоиздан 75 фоизга етказиш режалаштирилган.

Янги турдаги таълим масканлари, жумладан, ихтисослашган мактаблар, Президент мактабларига тайёрлов курслари йўлга қўйилган.

Бахмал туманида бугунги кунда таълим муассасаларининг умумий сони 86 тани ташкил қилади. Шундан 85 таси умумтаълим мактаблари бўлиб, уларда 32531 нафар ўқувчига 3015 нафар олий маълумотли педагог таълим-тарбия бериб келмоқда, Барқамол авлод болалар мактабида эса 1261 нафар ўқувчи тўғарақларга жалб қилинган.

Биргина 2023 йилни оладиган бўлсак, 24-ва 55- мактабларда замон талабларига мос равишда спорт заллари қуриб битказилди. 24 та умумтаълим мактабларига 408 дона замонавий компьютер ускуналари етказиб берилган.

"Ташаббусли бюджет" доирасида 2023 йилнинг биринчи босқичида тумандаги 41-, 47-, 66-, 74-мактабларнинг синф хоналари керакли ўқув жиҳозлар билан, яъни, компьютер, электрон доска, стол-стуллар, ўқув парталар билан жиҳозланди. Умуман олганда, мактаблардаги шароитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Бу, албатта, ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мисол учун, 2022-2023 ўқув йили якунида 34 нафар битирувчи олтин, 4 нафари кумуш медаль билан тақдирланди. Шу билан бирга, 2162 нафар битирувчининг 32 фоизи олий таълим даргоҳларига талабалikka қабул қилинган. Яқин келажакда ушбу натижа-

ни 40-50 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Қўлга киритилган ютуқлар бизни янада руҳлантириши керак. Чунки глобаллашув даврида жаҳонда илм-фан, техника ва технологиялар шиддат билан ривожланмоқда. Бу ўз навбатида таълим, илм-фан олдида янги марраларни қўймоқда. Таълим тизимини мунтазам ислоҳ этиш, ўқитишнинг замонавий усул ва воситаларини такомиллаштириш, таълим мазмунини бойитиб бориш замон билан ҳамнафас бўлишнинг асосий талаби бўлиб қолаверади.

Шу ўринда юртимиздаги таълим тизими халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадими, деган танқидий савол билан Бахмал туманида мазкур соҳада ечимини кутаётган масалаларга назар ташлаймиз.

Ўрганишлар натижасида тумандаги "Оқтош" МФЙ Ҳамид Олимжон кўчасида жойлашган 640 нафар ўқувчи таҳсил олаётган 5-умумтаълим мактаби жамоаси "Фаоллар зали" қурилишини интиқлик билан кутмоқда. Шу билан бирга, муассасада ичимлик суви билан боғлиқ муаммо ҳам бор. Мактаб биноси йўл ёқасида жойлашгани учун пёдалар ўтиш жойига светафор ўрнатилиши хусусида жамоа депутатлардан амалий ёрдам сўради.

Яна бир масала. Туманда жойлашган 59-умумтаълим мактабига 120 нафар ўқувчи 3 км масофадан қатнаб ўқийди. Уларга қулайлик яратиш учун мактаб филиалини қуриш таклифини давлат дастурига киритиш билан боғлиқ масала белгилаб олинди.

Ҳар бир мамлакат истиқболли режалар тузар экан, аввало, таълимга катта эътибор қаратади. Сабаби, таълим ҳар бир жамиятнинг келажиги, маданияти ва тараққиётини ҳаракатлантирувчи энг асосий драйверлардан ҳисобланади. Демак, мазкур тизимни ривожлантиришга, янгилашга қаратилган ислохотларнинг самарали ижросини таъминлаш учун доимий равишда жамоатчилик назорати ҳам ўрнатилиши керак. Партия-миз депутатлари бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Нуриддин ХОЛМАТОВ, Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси.

УЛАР 9,5 МИЛЛИОНДАН КЎП

БУНДАН БИР НЕЧА ЙИЛЛАР АВАЛ ЖАМИЯТИМИЗДА ҚИЙНАЛГАН, АЛДАНГАН, ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛГАНЛАР ОРАСИДА ЁШЛАР КЎПРОҚ ЭДИ. МАКТАБ ВА КОЛЛЕЖ ДАВРИДАГИ БИР НЕЧА ОЙЛИК ПАХТА, ЎҚИШНИНГ ЎЛДА-ЖЎЛДАЛИГИ, ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИМКОНИАТЛАРИНИНГ ҲАДДАН ТАШҚАРИ ЧЕКЛАНГАНИ, ИШГА ЖОЙЛАШИШ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ СОХТАЛИГИ ВА БОШҚА КЎП МУАММОЛАР ҚИЙНАРДИ.

“ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНГА МУВОФИҚ 14 ЁШДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР ЁШЛАР ТОИФАСИГА КИРАДИ. БУГУН УЛАРНИНГ СОНИ ЭСА 9,5 МИЛЛИОНДАН Ортиқни ташкил қилмоқда. БУ МАМЛАКАТИМИЗ УМУМИЙ АҲОЛИСИНИНГ ДЕЯРЛИ 27 ФОИЗИ ЁШЛАРДАН ИБОРАТ, ДЕГАНИ.



Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларга эътибор, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, орзу-истакларини рўёбга чиқариш, қобилият ва истеъодларини ривожлантириш каби масалалар давлатимиз сиёсатининг доимий кун тартибидан ўрин олди.

15 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар сиёсатида амалга оширилган ишлар ва келгуси йилдаги устувор вазифалар бўйича ҳисобот билан танишгани бунга яққол мисолдир.

Хабарда айтилишича, чора-тадбирлар 7 та йўналишда амалга оширилган. Юртимиздаги алоҳида эътиборга муҳтож 396 минг нафар ёшлар мутасадди раҳбарларга бириктирилиб, улар билан индивидуал ишлаш орқали 331 минг нафарининг ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмақлашилган. Жумладан, 94 минг нафарининг бандлиги таъминланган, 56 минг эса касб-ҳунарларга ўқитилган.

“Ёшлар дафтари” орқали кўрсатилган ёрдам турлари сони 30 тага етиб, мурожаатларни кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунгача қисқартирилган.

2023 йил давомида ёшлар етакчилари тавсияси билан 338 минг нафар йигит-қизга 444 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилган. Хусусан, ёрдам доирасида талабаларнинг шартнома маблағлари тўланган, хорижий тиллар ва замонавий касбларга ўқитиш харажатлари қоплаб берилган ва ишсиз ёшларга меҳнат қуроллари ажратилган.

Ҳар бир маҳаллада “Ёшлар бандлиги дастури” амалга оширилиб, жорий йилда 236 минг нафар ишсиз йигит-қиз ва 189 минг нафар мактаб битирувчисининг бандлиги таъминланган.

Яқин йилларга чамасан бундай натижаларни тасаввур қилиш қийин эди.

“Беш ташаббус олимпиадаси” бу йилдан бошлаб 4 та йўналишда – маҳалла, мактаб, профессионал таълим ва олийгоҳлар тизимида ўтказилиб, жами 12 миллион нафар ёшлар қамраб олинган. Унда ғолиб бўлган ёшларнинг маҳаллаларида эса жами 623 та спорт майдончаси барпо этилган.

Истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги Ёшлар ижод саройида кечая кундуз фаолият юритадиган илк “Креатив парк” фойдаланишга топширилган. “Заковат” ва бошқа интеллектуал ўйинларга 2 миллион нафар ёшлар жалб қилинган.

Ҳисоботда Президентимизга Навоий вилоятида барпо этилган “Тўдакўл” халқаро шахмат мактаби тўғрисида ҳам маълумот берилган.

Замонавий инфратузилма билан таъминланган ушбу мактаб йил давомида 1 минг 700 нафар ўғил-қизни ўқитиш ва 7,5 минг нафар ёшни турли тадбирлар билан қамраб олиш имкониятига эга. У ерда жаҳон ва Осиё чемпионатлари, универсиада каби халқаро мусобақаларни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу мактабга халқаро гротсейстерларни олиб келиб, олис ҳудудлардаги иқтидорли болаларни ҳам жалб қилиш, улар учун шахмат бўйича қисқа муддатли оромгоҳлар ташкил қилиш ва тегишли сертификатлар беришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берган.

Йиғилишда ёшлар билан ишлаш бора-бора 2024 йилга мўлжалланган устувор вазифаларга ҳам эътибор қаратилган.

Ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идоралар тизимида ёшлар билан ишлаш бўйича ян-

» **Ўтган давр мобайнида партиямиз тизимида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Ёшларга кўмак”, “Ёш етакчи”, “Қонунчилик ёшлар нигоҳида”, “Сафимиздаги ёшлар”, “Депутат ва ёшлар”, “Имконият сиз учун!”, “Биз бир сафдамиз” каби 10 га яқин лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.**

гича ёндашув жорий этилади. Ёшлар етакчиси тавсияси билан бериладиган ёрдам турлари трансформация қилиниб, асосий эътибор уларни замонавий касб-ҳунарга ўргатишга қаратилади.

Йиғилишда болаларнинг кўникмалари, қизиқишлари ва истеъодини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон болалар ташкилотини тузиш таклифи билдирилган. Мазкур ташкилот «Камалак» болалар ташкилоти негизида ташкил қилиниши режалаштирилган.

“Ибрат фарзандлари” лойиҳаси орқали миллион нафарга, “Мутулаа” дастури орқали ёш китобхонларни 1,5 миллион нафарга етказиш кўзда тутилган.

ПАРЛАМЕНТДА ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

18 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда Қонунчилик палатасининг раҳбарияти, фракция раҳбарлари, депутатлар, Ёшлар парламенти аъзолари, сиёсий партияларнинг “Ёшлар қаноти” вакиллари ва талаба ёшлар иштирок этди. Шу билан бирга, барча ҳудудларда ташкил этилган студиялар орқали фаол ва ташаббускор ёшлар ҳамда Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Ёшлар парламентининг ҳудудлардан сайланган аъзолари ҳам қатнашишди.

Илк бор бундай кенг қўламли форматда ташкил этилган учрашувда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, меҳнат қилиши, ўз қобилият ва истеъодини рўёбга чиқариши учун ярати-

лаётган шарт-шароитлар, бу борада улкан ишлар амалга ошириладигани хусусида сўз юритилди.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз сўзида янги таҳрирдаги Конституцияда ёш авлодининг ҳуқуқ ва манфаатлари мустаҳкамлаб қўйилгани юртимизда ёшларга бўлган эътиборни янги босқичга кўтариш имконини беришини айтиб ўтди.

Спикер ёшларни парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичларида жалб этиш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш юзасидан янги ва устувор йўналишларни белгилашда уларнинг фаолигини янада кучайтириш, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, ўтган қисқа даврда ёшларга оид 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, ёшлар билан ишлашнинг янги баҳра бериши механизмининг жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш мақсадида ёшлар етакчиси лавозими жорий этилган.

Учрашувда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасини муҳокама этиш ва умумхалқ референдуми орқали қабул қилишда ҳам ёшларимизнинг алоҳида фаоллик кўрсатгани эътироф этилди.

Бosh қомусимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида моддалар билан муҳрлаб қўйилди. Унга кўра, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишига, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

Учрашувда таъкидланганидек, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига жалб қилиш, қабул қилинадиган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда Олий Мажлисининг ҳар иккала палатаси ҳузурда Ёшлар парламентлари фаолият олиб бормоқда.

Учрашувда сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб, бугунги кунда қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил тадбирлари, фракциялар томонидан ёшлар фаоллигини ошириш учун илгари суриладиган янги ғоялар, янги ташаббус ва таклифлар ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Улуғбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси раҳбари:

– Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, меҳнат қилиши, ўз қобилият ва истеъодини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш сўнги йил-

ларда Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва бу борада улкан ишлар амалга ошириладигани ҳаммамизга яхши маълум.

Ўтган давр мобайнида партиямиз тизимида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Ёшларга кўмак”, “Ёш етакчи”, “Қонунчилик ёшлар нигоҳида”, “Сафимиздаги ёшлар”, “Депутат ва ёшлар”, “Имконият сиз учун!”, “Биз бир сафдамиз” каби 10 га яқин лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Бу эса хайрихоҳларимиз сифатининг янада кенгайишида алоҳида аҳамият касб этади. Партиямиз томонидан ёшларнинг турли соҳаларда интилишларини қўллаб-қувватлаш бора-бора амалга ошириладиган ислохотлар изчиллик билан давом эттирилади.

Учрашувда иштирок этган ёшлар ҳам кўп-лаб таклиф ва ташаббуслар билдиришди.

Дилшод МИРЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзоси:

– Мен Ёшлар парламенти аъзоси сифатида сиёсий партияларнинг фракциялари фаолиятини доимий кузатиб бораман. Менимча, фракциялар сайловолди дастуридан келиб чиқиб баҳс-мунозаралар, дебатлар ўтказиб туриши керак. Шунингдек, фракциялар томонидан ялпи мажлисларда қандай масалалар кўтарилгани юзасидан брифинглар, шарҳлар бериб бориш йўлга қўйилса, жуда фойдали ва самарали бўлар эди.

Бердах ЖИЙЕНБАЕВ, қорақалпоғистонлик фаол ёш:

– Президентимиз шу йил 15 декабрда ёшлар сиёсатида амалга оширилган ишлар ва келгуси йилдаги устувор вазифалар бўйича ҳисобот билан танишди. Ҳисоботда тақдим этилган маълумотларни кўздан кечирсак, ёшларга қанча эътибор берилётгани ва у қанчалик самара бераётганига ишонч хосил қиламиз. Президентимиз томонидан келгуси йилда ёшлар сиёсатидаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон болалар ташкилотини тузиш таклифи билдирилди. Бу болалар истеъодини ривожлантириш, уларнинг қизиқлиги ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Фарзона ИСКАНДАРОВА, Тошкент давлат юридик университети талабаси:

– Қонунчилик палатасида ташкил этилган учрашув биз учун жуда фойдали бўлди. Чунки биз қуйи палата фаолияти, норма ижодкорлиги, сиёсий партиялар фракциялари ва кўмакта иш услублари ҳамда парламентаризм соҳасидаги янгиликлар ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдик.

Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, палата мажлисларининг онлайн узатиладигани биз, бўлажак юристлар учун фойдали бўлмоқда. Сабаби, қабул қилинадиган қонунлар мазмуни, муҳокамалар жараёни, тортишувлар, баҳс-мунозаралар бизда катта қизиқиш уйғотяпти. Бундан ташқари, депутатларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали қонун лойиҳаларини тақомиллаштириш бўйича берилган таклифлардан ҳам хабардор бўлиб турибмиз. Умуман олганда, бугунги учрашув бизда катта таассурот қолдирди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

MOLIYA

"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ"

БАРҚАРОР ЛОЙИХАЛАР ИШ ҲАҚИДА ДИДАКДИР



АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИДА "БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ" АТБ ТОМОНИДАН "БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ" МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ҲАҚИДА

АНЖУМАН АВВАЛИДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ШУ ЙИЛ 18 АВГУСТДА ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ҲАҚИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТИ, УНДА МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕСНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА СЎЗ БОРДИ.

Қайд этилдики, кўрилатган чоралар, яратилган қулайлик ва имкониятлар юртимизда тадбиркорлик муҳити яхшиланишига, янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтиришга кенг йўл очмоқда. Натижада, бугун ишбилармонларимиз сафи анча кенгайди, улар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи тобора шаклланиб бормоқда. Албатта, булар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Энг асосийси, ишлаб чиқариш кенгайиб, иқтисодий фаровонлик ошаётганида, қўлидан иш келадиган, янги ғоя ва ташаббуслар билан яшаётган юзлаб, минглаб одамларимизнинг ҳаракати, иштиёқи ва интилиши қўллаб-қувватланаётганида...

Албатта, ислохотлар изчиллик билан давом этапти. Жорий йил 14 сентябрда давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши ҳам бизнес соҳаси ривож учун янги имкониятларни яратди. Ушбу қарорга асосан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича "узлуксиз хизматлар занжири"ни яратиш мақсадида "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастурини амалга ошириш белгиланди.

Матбуот анжуманида ушбу дастурни 2023-2026 йилларда амалга ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағлари йўналтирилиши кўзда тутилгани таъкидланди. "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ мазкур дастурни амалга ошириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк сифатида белгилангани тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, тадбирда банк томонидан дастур ижроси доирасида амалга ошириладиган ва келгусида кўзда тутилаётган чора-тадбирлар, дастур иштирокчилари



лаштириш вазифалари амалга оширилади. Анжуманда иштирок этган масъуллар Президентимизнинг жорий йил 15 ноябрдаги аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, 2024-2026 йилларда банк бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар қолдиғини 1,7 бараварга ошириш орқали кредит портфелидаги улушини 28 фоиздан 43 фоизга етказиш кўзда тутилаётганини алоҳида қайд этилди. Шунингдек, 150 мингга кичик тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш, кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жами 800 миллион АҚШ долларигача миқдорда ресурслар жалб қилиш, 300 миллион АҚШ доллари миқдорда облигация (эвробонд)ларни халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш вазифалари белгилангани тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ АСОСИДА ҲАҚИДА

Президент томонидан имзоланган Қонун (ЎРҚ-883, 18.12.2023 й.) билан бир қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди

✓ Жумладан, Сайлов кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра:

✓ Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 75 та ҳудудий бир мандатли сайлов округи тузилади;

✓ Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади;

✓ Партия рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин, ушбу рўйхатга киритилган депутатликка номзод макomini олади ва уларга гувоҳнома берилди;

✓ Партия рўйхатига киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партияси бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилиши мумкин эмас;

✓ Депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан белгиланади;

✓ Аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек, партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40

фоизини ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар 5 нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

✓ Шунингдек, ягона сайлов округи бўйича сайланадиган Қонунчилик палатасининг депутатлик ўринлари ушбу сайловда иштирок этган сайловчилар овозларининг 7 ва ундан кўпроқ фоизини тўплаган сиёсий партиялар ўртасида тақсимланади.

✓ Агар сайловда иштирок этган сайловчилар овозларининг 7 ва ундан кўпроқ фоизини фақат битта сиёсий партия тўплаган бўлса, унда депутатлик ўринлари сайловда сайловчиларнинг энг кўп овозини тўплаган иккинчи сиёсий партияга ҳам тақсимланади.

✓ Марказий сайлов комиссияси депутатлик мандатларини сиёсий партиялар ўртасида тақсимлаш тўғрисида баённома тузади.

✓ Партия рўйхати бўйича сайланган депутатлар ўртасида депутатлик мандатларини тақсимлаш Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган партия рўйхатига киритилган депутатликка номзодлар кетма-кетлигига мувофиқ амалга оширилади.

✓ Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга кўра, Қонунчилик палатасининг камида 5 нафар депутати фракция тузиш ҳуқуқига эга (илгари камида 9 нафар эди).

БИЛАСИЗМИ?

Ички ишлар ходими қандай ҳолатларда **электрошок қўллаши** мумкин?

Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолатларда электрошок қўрилмаларини қўллаш ҳуқуқига эга:

— фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтариш учун;

— жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

— ички ишлар органи ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;

— жиноятни содир этишда ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;

— ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек, қочиб қўриқлаш, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

— зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда.



Мақтабларда ўқув йили давомидаги таътиллarning мuddатлари қуйидагича белгиланади:

— кузги таътил — 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь кун;

— қишки таътил — 28 декабрдан бошлаб 14 календарь кун;

— баҳорги таътил — 21 мартдан бошлаб 7 календарь кун;

— ёзги таътил — охири босқичли назорат синови ўтказилган кундан бошлаб 1 сентябргача.

Таътилни охири куни байрам (ишланмайдиган) кунга тўғри келиб қолган тақдирда, дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом эттирилади.

И сифт ўқувчилари учун февраль ойи давомида қўшимча бир ҳафталик таътил белгиланади.

Кўп йиллик иш стажига эга тиббиёт ходимларига устама тўланади

Врачларга, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига, соғлиқни сақлаш барча муассасалари фармацевтика ходимларига қуйидаги устамалар тўлаши керак:

— узлуксиз иш стажини 5 йилдан 10 йилгача — тариф ставкасининг 5 фоизи;

— узлуксиз иш стажини 10 йилдан 15 йилгача — тариф ставкасининг 10 фоизи;

— узлуксиз иш стажини 15 йилдан 20 йилгача — тариф ставкасининг 15 фоизи, олий маълумотли ҳамширалар учун тариф ставкасининг 20 фоизи;

— узлуксиз иш стажини 20 йилдан ортиқ — тариф ставкасининг 20 фоизи, олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари учун тариф ставкасининг 30 фоизи.

Айрим тадбиркорларга фойда ва айланмадан олинган солиқнинг солиқ базаси камайрилиб ҳисобланади

Қонунчиликка кўра, умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қўрилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар улар фойдаланишга топширилган пайдан эътиборан 3 йил муддатга, ўрнатилган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса — 10 йил муддатга қуйидагиларни тўлашдан озод этилиши белгиланган.

— ушбу қўрилмалар бўйича мол-мулк солиғини;

— қўрилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғини;

— юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини.

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР: ШИФОКОРЛАР НЕГА БУ МАҲСУЛОТНИ ҲАЁТ ВА СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ?

Бугун ёшлар ўртасида урф бўлган энергетик ичимликлар илк бор 1960 йилда Японияда дори воситаси сифатида яратилган. Кейинчалик Европа ва АҚШни "забт этгач", бизнесменлар бу маҳсулотни оммалаштириш учун таркибига бир қанча кимёвий моддаларни қўшишган.

2014 йилга келиб, ЖССТ ўсмирлар ўртасида энергетик ичимликлар кўп истеъмол қилинаётгани юзасидан хавотирли баёнот билан чиқди. 2017 йилда эса АҚШда 16 ёшли ўсмирнинг ўлимига кўп миқдорда истеъмол қилинган энергетик ичимлик сабаб бўлгани айтилди.

Ҳозир дунёнинг қатор давлатларида бундай маҳсулотлар сотувига тақиқлар ўрнатилган. Ўзбекистонда ҳам бу борада маълум қонуний чекловлар амалда.

Хўш, шифокорлар нега бу маҳсулотдан тийилишни тавсия қилади?

Дониёр АЛИМОВ,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори:

— Энергетик ичимликлар меъёрдан ортиқ ва сурункали истеъмол қилинса, бош мия, марказий нерв тизими, бўғимлар ва бошқа аъзоларга жиддий зиён етади. Таркибидagi кофеин — психостимулятор модда. У вақтинчалик тетиклик ҳиссини бағишлаб, чарчоқни аритиши, аклий фаолиятни кучайтириши мумкин, аммо маълум бир вақтдан сўнг, масалан, 1 – 1,5



соат ўтгач, инсон организмида ҳорғинлик баттар кучаяди, бош оғриғи пайдо бўлади ва нафақат аклий, балки жисмоний фаолият ҳам сусаяди.

Бундай маҳсулотларни тез-тез истеъмол қилувчиларда кейинчалик бўғимларда оғриқлар пайдо бўла бошлайди ва маълум бир асоратларга олиб келади. Ўсмирлар ва болалар учун ҳафта мобайнида кофеин истеъмолини 60 мг.дан оширмаслик керак.

Битта энергетик ичимлик таркибига эса ўртача 30 мг кофеин мавжуд. Энергетиклар ичиш 18 ёшга тўлмаган болалар ва ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизувчи аёллар, юрак-қон томир хасталиқларига чалинган ҳамда қандли диабет бор беморларга тавсия этилмайди.

Севара ФАХРУТДИНОВА,
Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий

тиббий маркази масъул ходими:

— Энергетик ичимликлар меъёрдан ортиқ истеъмол қилинганда қонда глюкоза миқдори кўпайиб кетади. Шакарнинг ортиқча қисми ёғга айланади ва инсулин организмда кўпайиб, қандли диабетга олиб келади. Энг ёмони, одам бу ичимликка беихтиёр боғланиб қолади.

Қолаверса, энергетикларни кўп истеъмол қилиш инсон танасидаги ҳужайра ва тўқималарга жиддий зарар етказиб, жигар, юрак қон-томир касалликларига олиб келади.

Гули ШАЙХОВА,
Тошкент тиббий академияси профессори,
тиббий фанлари доктори:
— Юқори концентрацияланган қувватбахш ичимликлар таркибидagi таурин — энергетик жараёни жадаллаштирувчи ва нерв тизimini ривожлантирувчи модда. Унинг инсон организ-

ми учун суткалик меъёри — 400 мг. Айрим энергетиклар таркибига эса бу модда 2 баробарча ошиқ бўлади ва ўсмирлар соғлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай ичимликлар қисқа муддатда организмга зарарли таъсир кўрсата бошлайди. Лекин таркибига ортофосфат кислотаси борлиги учун буни сезмайсиз.

Масалан, 45 дақиқадан сўнг дофамин ишлаб чиқарилиши ортиб, бош мияда роҳатланиш, қониқши марказини кўзғатади. 70-80 дақиқадан кейин акс таъсир қилиш вақти бошланиб, организмда ҳолсизлик ҳолатлари юзага келади.


Қолаверса, энергетик ичимликлар асаб тизimini ишдан чиқаради. Рухий касалликларга чалиниш хавфи ортади, одамларда тажовузкорлик кучаяди. Болаларнинг зеҳни ўтмаслашиб, дарсларни ўзлаштириши пасайиб кетиши, ногирон, ақли заиф фарзандлар туғилиши айни шундай иллатларнинг ҳам асорати, десак хато бўлмайди.

АҚШлик тадқиқотчилар хулосаси:

— Энергетик ичимликлар юракдаги QT интервали (юракнинг электрик систоласи)ни ўртача 2 соатда 10 милли сонияга оширади. Агар милли сонияларда ўлчанадиган ушбу вақт оралиғи ҳаддан ташқари узун ёки калта бўлса, юрак урушида жиддий ўзгаришлар юз беради. Бу эса ҳаёт учун хавфли бўлган аритмияга олиб келиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН- ҚАТАР ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МАТБУОТИ НИГОҲИДА



Жанубий Корейнинг етакчи нашрларидан бири - «Diplomacy Journal» журнаlining электрон саҳифасида 19 декабрь куни Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг мамлакатимизга ташрифи арафасида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳақида мақола эълон қилинди, деб хабар бермоқда «Дунё» АА мухбири.

«Ўзбекистон-Қатар: кўп қиррали ҳамкорликни барқарор ривожлантириш сари навбатдаги қадам» сарлавҳали мақолада ёзилишича, Қатар Амири «Коррупцияга қарши курашдаги улкан ютуқлари учун» Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний номидаги глобал муқофотни топшириш маросимида иштирок этади. Қайд этиш жоизки, ушбу тадбир собиқ иттифоқ мамлакатлари ҳудудида биринчи марта ўтказилмоқда.

«Ушбу ташриф Қатар раҳбарининг охириги олти ой ичида жорий йилда Ўзбекистонга иккинчи ташрифи ва олий даражадаги учинчи Ўзбекистон – Қатар саммитидир, – дейилади мақолада. – Бу, аввало, Ўзбекистон ва Қатар халқлари фаровонлиги йўлида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий мулоқотнинг мисли кўрилмаган динамикасида далолат беради».

Нашрда Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг жорий йил июнь ойида Ўзбекистонга буюрган биринчи ва тарихий давлат ташрифи ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил октябрь ойида Доҳага бўлиб ўтган расмий ташрифи 1997 йил 27 ноябрь куни ўрнатилган икки томонлама дипломатик муносабатларни ривожлантириш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқболларини очишга кучли туртки бўлгани қайд этилган.

«Натижада савдо-иқтисодий, сармовий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилган 24 икки томонлама ҳужжатлар, умумий қиймати 12 миллиард долларлик битимлар имзоланди, – дея таъкидлаган Жанубий Корея нашри – Бундай фаол мулоқотнинг ривожланиши томонларнинг ҳам икки томонлама муносабатларни кенгайтириш, ҳам Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиё ўртасидаги минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашдан юқори манфаатдорлиги билан изоҳланади. Бундан кўра араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши, Ислон ҳамкорлик ташкилоти саммитлари, давлат раҳбарининг араб давлатларига ташрифлари натижалари тасдиқлайди».

Мақола хулосасида, «Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон ва Қатар барча йўналишларда ўрнатилган мулоқот даражасини муттасил оширишга интилмоқда. Қатар Амирининг ташрифи эса шубҳасиз, самарали ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш ва ривожлантириш учун икки томонлама муносабатлар пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади», – деб ёзган «Diplomacy Journal».

**МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА
"МИКРОКРЕДИТБАНК" АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН "БАНК
ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН
ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ" МАВЗУИДА
МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.
УНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГНИ
ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲУДУДЛАРНИ
КОМПЛЕКС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН
ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА
"МИКРОКРЕДИТБАНК" АТБ ЎЗИНИНГ МУНОСИБ
ҲИССАСИНИ ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАНЛИГИ
АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.**

«МИКРОКРЕДИТБАНК»:



ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

— Хусусан, банк тизимида мижозлар учун қулай ва тезкор хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш замон талаби ҳисобланади, – дейди "Микрокредитбанк" АТБ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Акмал Ҳамидов. – Бу борада банкимизда олиб борилаётган трансформация жараёнлари муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда, халқаро «Price Waterhouse Coopers» (PWC) консалтинг компанияси билан ҳамкорликда «Микрокредитбанк»нинг 2022-2025 йилларда ривожлантириш стратегияси ва трансформация «йўл харитаси»га мувофиқ 6 та устувор йўналишдаги 33 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мижозлар учун қулай ва тезкор хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида банк филиалларини ихчам банк хизматлари марказлари ва офисларга айлантириш ишлари олиб борилди. Ҳозирда ҳудудларда банкнинг 136 та хизмат кўрсатиш марказлари ва офислари ҳамда 437 та 24/7 шохобчалари орқали аҳолига узлуксиз банк хизматлари кўрсатилмоқда.

2023 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, 1 млн. 470 минг нафар жисмоний ва 251 минг 532 нафар юридик мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Ўтган даврда 8 та лойиҳа «BIG4» халқаро консалтинг компаниялари билан бирга амалга оширилди. Жумладан, жорий йил якунига қадар «Ernst & Young» компанияси билан риск менежмент тизimini такомиллаштириш ишлари якунига етказилди.

Шунингдек, «Deloitte & Touche» компанияси билан таваккалчиликка асосланган ички аудит, коррупцияга қарши назорат, ички назорат ва санкциявий комплаенс тизимларини такомиллаштириш ишларини тугатиш мақсад қилинган.

Банкда КРІ тизими жорий этилиб, бош офис ва филиал ходимлари индивидуал кўрсаткичлар бўйича рағбатлантирилмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида мижозларга янги замонавий ва рақобатбардош Маврид мобил иловаси тақдим этилди. Илова орқали 36 турдан ортиқ онлайн хизматлардан фойдаланиш мумкин бўлиб, бугунги кунда 418 мингдан ортиқ мижоз ундан фойдаланмоқда.

Bank Call маркази замонавий дастур билан таъминланди. "Soft collection" кредитларни ундирувчи тизими йўлга қўйилди, кредит қарздорликларни ундириш бўйича автомат чиқувчи қўнғироқларни амалга оширувчи IVR дастури жорий қилинди. Шу билан бирга, CRM, Skoring ва BPM тизимлари амалиётга татбиқ қилинди.

Банкда "Underwriting" тизими жорий этилиб, жисмоний шахсларга бериладиган барча кредитлар скоринг тизими орқали

ажратилмоқда. Юридик шахслар учун 24 турдаги модулли кредитлар жорий этилди.

Банкнинг ихтиёрий хизмат кўрсатиш марказларидан ҳисоб рақамларини бепул бошқариш каби қатор қўлайликлар яратиш мақсадида банк филиаллари «Ягона МФО» тизимига ўтказилди.

Тадбирда 2024 йилда банк томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақида ҳам атрафлича маълумотлар берилди.

Жумладан, янги жорий қилинган мобил илованинг имкониятларини кенгайтириш, КРІ тизimini автоматлаштириш, мижозлар эҳтиёжлари ва шикоятларини онлайн тарзда тўплаш, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш учун ситуацион марказ ташкил қилиш, кредит конвейерини юридик шахслар учун тўлиқ жорий қилиш режалаштирилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



MA'NAVIYAT BEKATI

+0
+5
Korakalpoqiston
Respublikasi
Xorazm+3
+8
Bukhoro
Navoiy+2
+7
Toshkent
Samarqand
Jizzax
Sirdarë+5
+10
Qashqadaryo
Suxxondaryo+3
+8
Andijon
Namangan
Farg'ona+5
+7
Toshkent
shaxri

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ЭНГ НАМУНАЛИЛАР
ТАҚДИРЛАНДИ

Президентимиз раҳбарлигида 2021 йил 19 январда ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг мажлисида соҳа бўйича муҳим ташаббуслар белгиланган эди. Унинг ижроси ўлароқ 2023 йилда ўтказилган "Энг намунали туман ва шаҳар" танловида маънавий-маърифий ишларни тизимли йўлга қўйиб, юқори самарадорликка эришган 14 та туман (шаҳар) (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тавсиясига кўра) ҳамда "Энг намунали вазирлик ва идора" танловида 23 та вазирлик ва идора масъуллари иштирок этди.

Маълумот учун, мамлакатимиздаги маънавий-маърифий йўналишдаги ишларга муносиб баҳо бериш, бу борада энг намунали туман-шаҳар, вазирликларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган "Энг намунали вазирлик ва идора" ҳамда "Энг намунали туман ва шаҳар" танловлари бу йил учинчи маротаба ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Зулайхо Маҳкамова, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов сўзга чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар фондида аҳолининг юрт тақдирига, элимизнинг келажагига бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгариб бораётганини мамнуният билан таъкидлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Маънавият фидойиси" кўкрак нишони таъсис этилган

«Энг намунали вазирлик ва идора» танловида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 1-ўрин, Солиқ қўмитаси 2-ўрин, Адлия вазирлиги ва Кадастр агентлиги 3-ўринни эгаллади.

«Энг намунали туман ва шаҳар» танловида Нурота тумани (Навоий вилояти) 1-ўрин, Сайхунбод тумани 2-ўрин (Сирдарё вилояти), Олмалиқ шаҳри (Тошкент вилояти) 3-ўринни эгаллади.

эди. Тадбирда Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бир қатор ҳамкор ташкилотлардан тузилган комиссия қарорига асосан маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда қилган

меҳнати учун бир қатор фидойилар "Маънавият фидойиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

"Энг намунали вазирлик ва идора" танловида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 1-ўрин, Солиқ қўмитаси 2-ўрин, Адлия вазирлиги ва Кадастр агентлиги 3-ўринни эгаллади.

"Энг намунали туман ва шаҳар" танловида Нурота тумани (Навоий вилояти) 1-ўрин, Сайхунбод тумани 2-ўрин (Сирдарё вилояти), Олмалиқ шаҳри (Тошкент вилояти) 3-ўринни эгаллади.

Танлов ғолибларига Президент совғаси – "Дамас" автомобили ва 15 миллион сўмлик китоблар тўплами, 2-ўринга – 40 миллион сўм пул мукофоти ва 12 миллион сўмлик китоблар тўплами, 3-ўринга – 25 миллион сўм пул мукофоти ва 8 миллион сўмлик китоблар тўплами топширилди.

– Танловда 1-ўринни қўлга киритганимиз – бу вазирлигимиз аҳил жамоасининг ютуғи. Чунки ҳар бир салмоқли натижа, зафарлар замирида жамоанинг самарали, фидокорона меҳнати ётади, – дейди Иқтисодиёт ва молия вазирининг маслаҳатчиси Обиддин Маҳмудов. – Вазирлигимизнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий йўналишдаги бу муваффақияти зиммаимизга янада каттароқ масъулият ҳамда вазифаларни юклайди. Маълумки, Президентимиз "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобида маънавий тараққиёт масаласига алоҳида тўхталган. Маънавият ва маърифатни юксалтиришдек улуғвор вазифага ҳар биримиз виждонан ёндашимиз зарур.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihidin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toشتهмир XUDYOYULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 239-12-14

Reklama b'limi: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

7
ХАБАР

ВИЛОЯТГА КУНДА 2 ТА РЕЙС

Тошкент шаҳрини вилоят марказлари билан боғловчи ҳар куни камида 2 тадан рейс қўйилади.

Вилоят марказларини ўзаро боғловчи ҳафтасига камида 1 тадан рейс амалга оширилади. Бунинг учун камида 7 та самолёт олиб келиниб, яна 3 та халқаро йўналиш очилиши режалаштирилмоқда.

УМИДА – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

БААнинг шахмат бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осие чемпиони ўтказилди. Унда 41 давлатдан 650 нафар шахматчи иштирок этган. Мусобақанинг блиц йўналишида кечган баҳсларда Умида Омонова рақиблардан устун келиб, 1-ўринни қўлга киритди. Яна бир ҳамюртимиз Даврон Шарипов 2-ўринни эгаллаган бўлса, Маликаҳон Жумаева ва Ҳуснораҳон Ҳуснитдиновалар 3-ўрин соҳибига айланишди.

50 МЛН СЎМГАЧА ГАРОВСИЗ...

"Оилавий тадбиркорлик" дастури доирасида ўз микро-бизнесини йўлга қўйган ва ижобий кредит тарихига эга аҳолига 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар бериш йўлга қўйилади. Бу ҳақда 18 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизматларни ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтилди.

Маълум қилинишича, ҳозирда 2 миллион 400 минг аҳоли ўзини ўзи банд қилувчи сифатида рўйхатдан ўтган.

Йиғилишда уларга бизнесга биринчи қадам учун кредит бериш таклифи билдирилди. Бунда йиллик 340 минг сўм ижтимоий солиқ тўлаган аҳолига имтиёзли кредит ажратилиб, "онлайн" усулда банк картасига ўтказилади.

Бундан ташқари, фаолиятини кенгайтириб, тадбиркор бўлиш истагидаги аҳолига 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади, 50 фоизи банк картасига ўтказиб берилади.

"СҮЮНЧИ ПУЛИ" МИҚДОРИ ОШДИ

Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа суммаси — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 70,3 фоизи деб белгиланган. Шу пайтгача бир марталик нафақа суммаси 688 940 сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йил 1 декабрдан бу миқдор 738 150 сўм этиб белгиланди.

Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, бунда фуқароларнинг овозгарчиликларини бартараф этиш мақсадида "суюнчи нафақаси"ни тайинлаш бўйича хизматлар 2020 йилдан бошлаб фуқаронинг мувожаатсиз композит шаклида амалга оширилмоқда.

Яъни, бугунги кунда бола туғилганда болага бериладиган фамилия, исм ва ота исми, ота-она ва уларнинг никоҳи, бола рўйхатга қўйилган поликлинника ва ички ишлар бўлими, навбатга қўйиладиган давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳақидаги барча маълумотлар тиббиёт муассасаси (туғуруқхона, шифохона туғуруқ бўлими, оилавий поликлинника) томонидан "Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан, перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш" автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

Пенсия жамғармаси томонидан барча зарурий маълумотлар тиббиёт муассасаси ва ФХДЭ ахборот тизимларидан электрон шаклда олинган ҳолда "Суюнчи" нафақаси автоматик равишда тайинланади.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ
40 ФОИЗИ АЁЛЛАР БЎЛАДИ

Президент томонидан 18 декабрь куни имзоланган қонун билан бир қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Сайлов кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 75 та ҳудудий бир мандатли сайлов округи тузилади.

Аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек, партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40 фоизини ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар 5 нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС
ТРАНСПОРТИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Самарқанд ва Хоразм вилоятларида трамвай ҳамда троллейбусда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланади, йўловчиларни ташишда замонавий ахборот технологиялари жорий этилади. Бу бўйича Вазирлар Маҳкамаси тегишли қарорни қабул қилди.

2024 йил 1 январдан бошлаб трамвай ҳамда троллейбусда йўловчи ташиш учун йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилади.

Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари Транспорт вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 июнга қадар йўловчилар учун қулай электрон тўловларни оммалаштириш мақсадида трамвай ва троллейбус транспортида электрон тўлов тизимидан фойдаланишни рағбатлантирувчи тарифларни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасидан ўтказиб, жорий этилишини таъминлайди.

ЎЗБЕКISTONЛИКЛАР ЭРОНГА ВИЗАСИЗ БОРАДИ

Эрон Вазирлар Маҳкамаси бир томонлама тартибда 32 давлат билан виза режимини бекор қилишни маъқуллади. Виза режими бекор қилинган мамлакатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор.

Маълумки, 2022 йилнинг октябрдан Ўзбекистон — Эрон ўртасида ишбилармон ва илмий доиралар вакиллари ҳамда сайёҳлик гуруҳлари учун соддалаштирилган виза режими жорий этилган эди.

Лазиза ШЕРОВА
тайёрлади.